

Амаллардан маҳрум бўлиш гуноҳ сабаблидир



08:07 / 14.05.2020 3144

Аҳмад ибн Абу Ҳаворийдан ривоят қилинади: «Абу Сулаймон Доронийга: «Бугун эрталаб тура олмадим. Бомдод намозининг икки ракъатини ҳам ўқий олмадим. Намозни ҳам жамоат билан ўқимадим», дедим. У менга: «Ҳаммасига ўзинг сабабчисан (яъни гуноҳга қўл урганинг сабабидан бўлган). Аллоҳ бандаларига ҳеч қачон зулм қилмайди. Сенга шахват етибди», деди».

Аҳмад ибн Абу Ҳаворий айтиди: «Абу Сулаймон мени четга тортиб, шундай деди: «Эй Аҳмад, сенга бир гап айтиб бераман. То ўлгунимча бу ҳақида сўз очмайсан. Мен бир куни кечаси зикрларимни қилиб ухлаб қолибман. Тушимда бир ҳур менга танбеҳ бериб, «Эй Абу Сулаймон, сен ухляяпсан, мен эса беш юз йилдан бери гўшангада сен учун тайёрлаб қўйилганман!» деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан